
“Туман ҳокими кубоги” ғолиблари аниқланди

Аввал хабар бериб ўтганимиздек, Наврўз байрами муносабати билан кеча Риштон туманидаги “Ўзбек-тожик” дўстлик жамияти биносида шахмат бўйича “Риштон тумани ҳокими кубоги” очиқ мусобақасига старт берилганди. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган шахматчилар иштирок этган турнир бугун якунига етди. 9 турдан иборат бўлган ўйинлардан сўнг, Асилбек Собиров ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Асрор Омоновга насиб этган бўлса, Ибрагим Каримов учинчи ўринни қўлга киритди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга кубок ва туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари тантанали тарзда топширилди.

2022-03-20 20:34:45